

Юнус сураси, 44-оят



12:23 / 31.07.2017 7013

Албатта, Аллоҳ одамларга ҳеч қандай зулм қилмас ва лекин одамлар ўзларига зулм қилурлар. (Юнус сураси, 44-оят)

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло томонидан бандаларга нисбатан заррача зулм содир бўлмас. Чунки зулм Аллоҳ таолонинг зотиға мутлақо бегона нарсадир. Ушбу иймон масаласини олганда ҳам, Аллоҳ таоло одамларга ҳеч зулм қилмаслиги очиқ-ойдин кўриниб туради. Аллоҳ таоло инсонга ақл-идрок берган, у ўша ақл-идрок ила Аллоҳга иймон келтирмоғи лозимдир. Лекин Аллоҳ таоло бандаларга яна ҳам меҳрибонлик қилиб, Пайғамбар юбориб, Ўз Китобини нозил қилиб, ҳидоят йўлини равшанлаштириб қўйибди. Одамлар ўша йўлга юрсалар, бўлди. Бошқа ҳеч қандай уринишнинг ҳожати йўқ. Аммо одамларнинг кўплари ўзларига ўзлари зулм қиладилар. Кўриб-билиб туриб, ўзларига фойдали бўлган йўлга юрмай,

ҳалокат йўли – куфр ва мунофиқлик йўлини танлайдилар. Улар шу билан ўзларига ўзлари зулм қиладилар. Уларнинг энг катта зулмлари Ислом динига юрмасликларидир.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

"Тафсири Ҳилол" китобидан